
Маҳаллаларда зарурий тарғиботлар олиб борилмоқда (фото)

Пандемия ва карантин даврида аҳолининг масъулиятини янада ошириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон туманидаги ҳар бир маҳаллаларда тарғибот ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Фуқаролар йиғинлари масъуллари огоҳлик карнайи орқали аҳоли ўртасида карантин қоидаларига риоя қилиш бўйича тарғибот ишларини янада кучайтиришган.

Ҳурматли тумандошлар!

Карантин қоидаларига риоя этинг, ўзингиз ва яқинларингиз соғлигига бефарқ бўлманг.

Ўзбекистон туман ҳокимлиги Ахборот хизмати













2020-07-10 19:05:25